

## ИНСОН ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ – ИЖТИМОЙИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ СИФАТИДА

**Салимов Баҳриддин Лутфуллаевич.**

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

**Абдувохидов Фарруҳбек Эргашали ўғли.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

**Тўҳтабоев Шоҳзод Ҳамидулла ўғли.**

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши инсониятнинг онги мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлаган пайтига тўғри келганлиги ва онги мавжудот сифатида инсон бошқа инсонлар билан онги муносабатларга кирганлиги бу муносабатларнинг ривожлантириши, шу билан бирга одамлар ўртасида онги, яъни инсоний алоқаларни ўрнатилиши ва шаклланиши билан ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келганлиги таъкидланган.*

**Калим сўзлар:** инсон, ижтимоий муносабатлар, ҳаёт, ҳаракат, табиат, жамият.

### АННОТАЦИЯ

*В статье констатируется, что возникновение общественных отношений совпало со временем, когда человечество начало выступать как сознательное существо, и что как сознательное существо человек вступал в осознанные отношения с другими людьми, развитие этих отношений и в то же время время установление и формирование сознательных, то есть человеческих отношений между людьми, создавало и общественные отношения.*

**Ключевые слова:** человек, общественные отношения, жизнь, движение, природа, общество.

### ABSTRACT

*The article states that the emergence of social relations coincided with the time when humanity began to act as a conscious being, and that as a conscious being, a person entered into conscious relations with other people, the development of these relations, and at the same time, the establishment and formation of conscious, that is, human relations between people, also created social relations. .*

**Key words:** man, social relations, life, movement, nature, society.

## КИРИШ

Жонзотларнинг энг буюки деб ҳисобланган «Инсон» деб аталмиш мавжудотнинг ер юзида пайдо бўлганига миллион йиллар бўлган бўлсада унинг ўтмишига оид кўп маълумотлар ҳали ҳамон мавҳумлигича қолмоқда<sup>1</sup>. Биздаги асосий маълумотлар инсоннинг ижтиомий муносабатларга киришгандан кейинги даврларга оидир. Бир томондан шундай бўлиши табиий ҳолдир ҳам, чунки инсоният ақлли мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлаган пайтдан бошлаб ўзи ҳақида маълумотлар қолдира бошлаган. Илк меҳнат қуролларининг яратилиши, уй рўзғор буюмларини ва кундалик турмушда зарур бўладиган турли хил асбоб анжомларнинг ясалиши шулар жумласидандир. Вақт ўтиши билан алифбо ва ёзувларнинг кашф этилиши эса ўтмиш давр аждодларимизнинг ижтиомий муносабатларига оид маълумотларни аниқ ва батафсил баён этиб қолдириш имкониятини берди<sup>2</sup>. Энди ижтиомий муносабатлар деган иборанинг мазмунига тўхталиб ўтсак. Савол туғилади, ижтиомий муносабатлар деганда нимани тушунамиз. Мазкур тушунча қачон пайдо бўлган. Ижтиомий муносабатларнинг ҳозирги ва келгусидаги аҳамияти нималардан иборат?

Бизнинг назаримизда ижтиомий муносабатларнинг вужудга келиши инсониятнинг онгли мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлаган пайтига тўғри келади. Онгли мавжудот сифатида инсон бошқа инсонлар билан онгли муносабатларга киришади ва бу муносабатларни ривожлантиради. Шундай экан, одамлар ўртасида онгли, яъни инсоний алоқаларни ўрнатилиши ва шаклланиши билан ижтиомий муносабатлар ҳам вужудга келган десак тўғри бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсонларнинг ҳаёт тарзидаги бир қатор ижобий ўзгаришларнинг содир бўлиши, ижтиомий муносабатларнинг вужудга келиши билан пайдо бўлган<sup>3</sup>. Инсонларнинг маънавий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар вақт ўтиши билан уларнинг моддий турмушларида ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ёввойиликда яшаш ўзлари учун номақбул эканлигини тушунган одамлар энди маданий тарзда кун кечириш афзал эканлигини тушуна борганлар. Тизимли асосга эга

<sup>1</sup>Салимов Б. Л., Файзиев С. Ф., Қурамбаев Ж. (2022). ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА ИНСОН ВА ИЖТИОМИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Журнал комплексного образования и исследований , 1 (6), 44–50.

<sup>2</sup> Салимов Бахриддин Лутфуллаевич (2020). ФИЛОСОФСКАЯ РОЛЬ ДИАЛЕКТИЧЕСКИХ КАТЕГОРИЙ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. Историческая психология и социология истории, 13 (1), 111-119.

<sup>3</sup> Салимов Б.Л. Ижтиомий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллый университети. Тошкент. 2022, 224 б.

ижтимоий муносабатлар одамларга бу дунёда юксак инсоний фазилатлар билан яшаш кераклигини ўргата бошлаган. Аввалги бемақсад, қоронғу ҳаёт йўлининг ўрнини муайян мақсадга йўналтирилган ёруғ ҳаёт йўли эгаллайди. Одамзот ўзлигини англашга, атрофдаги борлиқнинг сир синоатини билишга интила бошлади. Тириклик нима? Ҳаётнинг мазмуни қандай? Инсон умрининг мақсад мудаоси қандай, нега инсон ҳаётда билиб – билмай адашишларга дучор бўлади деган саволлар мана бир неча минг йилларки одамзодни қийнаб келмоқда. Жонзотлар орасида энг мукаммали ҳисобланган инсоният вакилларининг бу каби саволларга жавоблари ҳам турли даврларда ҳар хил мазмунда баён этилган бўлсада бу саволларнинг долзарблиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, онгли мавжудот ҳисобланган инсон бу дунёда яшар экан ўз умридан мазмун-моҳият қидиради, ҳаётида юзага келадиган чигал вазиятлардан боши қотади ва уларнинг ечимини топишга уринади. Гоҳида ўз саволларига жавоб топса, гоҳида жавоб тополмай қийналади<sup>4</sup>. Ўзи аслида бу мазмундаги саволларга юз фоизли жавоб топиш мушкул иш.

Зотан, турли даврларда мавжуд бўлган жамиятлардаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқуқий, маданий-маърифий ҳолатлар ҳар хил бўлгани каби шу кунгача яшаб ўтган ва айни пайтда ҳам умргузаронлик қилиб келаётган инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳам хеч қачон бир хил бўлмаган ва бўлмайди ҳам<sup>5</sup>. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, демак ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг ҳаёт борасидаги қарашлари ва бу борада туғиладиган саволларга жавоблари ҳам турлича бўлиши табиий ҳол. Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, баъзи жамиятлардаги вазиятлар ва баъзи инсонларнинг ҳаёт тарзлари қисман бир-бирига ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Уларнинг ҳаёт борасидаги хулосалари ҳам ўзаро мос қелиб қолади. Ана шунда ўзгаларнинг умр йўлларига қараб ибрат олиш, улар йўл қўйган хато ва камчиликлардан сақланиш имкониятлари пайдо бўлади. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, А... исмли инсон ўрнида мабода Б. исмли инсон бўлиб қолса унинг ҳаёт йўли бошқача бўлиши аниқ.

Бундан яна бир қўйидаги хулоса чиқади: ҳар бир инсоннинг ўзи яшаб ўтган ҳаёт йўли оралиғидаги реал воқеликлар унинг учун мавжудликдир<sup>6</sup>. Масалан 1441 - 1501 йиллар Алишер Навоий учун, 1483 - 1530 йиллар

<sup>4</sup> Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

<sup>5</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик тахлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

<sup>6</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

Захириддин Мұхаммад Бобур учун, 1799 – 1837 йиллар эса А.С. Пушкин учун мавжудлик ҳисобланади. Бундай мисолларни яна күплаб келтириш мүмкін. Гарчанд биз юқорида келтирған саналар биз учун биргина рақамлардан иборат узоқ үтмиш бўлиб кўринсада, лекин ана шу саналар замирида инсонлар тақдирига оид кўплаб воқеликлар яширинганини унутмаслигимиз даркор. Бу ўринда үтмишда кечган ҳар қандай воқеликка нисбатан фалсафий муносабатда бўлиш ва бу воқеликларнинг ҳар бири ўз вақтида реал мавжудлик бўлганини эътибордан четда қолдирмаслигимиз зарурдир. Биз қуйида таҳлил этадиган антик давр файласуфларнинг фаолиятлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Гераклит ижтимоий муносабатларга оид ўз қарашларини баён этиб қолдирған. Гарчи у (Гераклит) бирон бир файласуфнинг шогирди бўлмасада, лекин уни «табиат ва қатъият тарбиялаган эди»<sup>7</sup>. Гераклитнинг ўзи эса устози мавжудлигини таъкидлайди: «Менинг устозим бу табиатдир»<sup>8</sup>. Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, Гераклитнинг фалсафий қарашлари табиий муҳитдаги табиий қонун – қоидалар асосида шакллантирилган. Ушбу жиҳат Гераклитнинг ижтимоий – сиёсий фикрларида ҳам намоён бўлади<sup>9</sup>.

Ҳеч иккilanmasdan айтиш мүмкінки, ижтимоий муносабатлардаги воқеликлар ҳам худди табиатдаги жараёнлар сингари тўхтовсиз ўзгаришда, ҳаракатда ва ривожланишдадир. Аслини олганда ҳам шундай. Табиатдаги сингари жамиятдаги ҳеч бир нарса – ҳодиса ҳам бир жойда ҳаракатсиз, қотиб қолган эмас. Бу бундан минглаб йиллар олдинги жамиятга ҳам, ҳозирги замонавий жамиятга ҳам бирдек таалуқлидир. Буни бугунги давр жамиятшунос олимларининг илмий тадқиқотларининг мазмун – моҳияти яна бир бор тасдиқлайди. Нафақат жамиятшунос олимлар, балки узоқни кўра биладиган давлат раҳбарлари ҳам ижтимоий муносабатлардаги воқеликларнинг ўзгарувчанлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. «Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда... Вазиятни ўзимиз, ўз ақл – заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди»<sup>10</sup>.

Дарҳақиқат, табиатдаги жараёнлар сингари ижтимоий муносабатлардаги воқеликлар ҳам муттасил ўзгарувчан характер касб этади. Тўғри табиатдаги

<sup>7</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

<sup>8</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

<sup>9</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

<sup>10</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатый тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 52-53.

ўзгаришлар, ҳаракатлар билан ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ва ҳаракатлар ўртасида жуда катта фарқ бор<sup>11</sup>. Табиатдаги бу каби жараёнлар қўп ҳолатларда яққол намоён бўлса, ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ва ҳаракатлар эса қўпинча дарров ўзини ошкор этавермайди. Уларнинг қўзга ташланиши, сезилиши учун бир оз вақт талаб этилиши мумкин. Кейин бизлар бевосита ижтимоий муносабатларнинг ичида бўлганимиз учун ундаги ўзгариш ва ҳаракатларни тезда пайқай олмаслигимизни ҳам табиий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, бу бизларнинг билмаслигимиз учун оқлов бўла олмайди. Зоро бизларнинг ижтимоий муносабатлардаги жараёнларнинг мазмун-моҳиятини билмаслигимиз, келгусида ўзимиз учун баъзи нохушликларни, кўнгилсизликларни келтириб чиқариш эҳтимоли қўпроқдир. Агарда биз ижтимоий муносабатларда ҳам «ҳамма нарса – ҳодисаларни доимий ҳаракатдалигини ва усиз ҳеч нима мавжуд бўла олмайди. Бир жойда қотиб, ҳаракатсиз ҳеч нима йўқ, ҳаммаси доимий ҳаракатда ва ўзгаришда»<sup>12</sup> тамойилига доимий равишда амал қиласар эканмиз, бу бизнинг жамият учун фақат фойда келтиради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича бир қатор қонунлар, қарор ва фармонларни қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилганлигини юқоридаги фикрларимизни тасдиғи сифатида келтиришимиз мумкин. Мазкур қонунлар, қарор ва фармонларни нақадар тўғри ва ўз вақтида қабул қилинганлигини, ўтган қисқа фурсаларда юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

«Ҳамма нарса ҳаракатда ва ўзгаришда» деган фалсафий тамойил ижтимоий муносабатларнинг муҳим объектларидан бири саналган коммуникация тизимида жуда ҳам алоқадор тушунчадир. Негаки, кишилик жамиятининг тараққиётида азал-азалдан коммуникация масалалари устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, коммуникация – жамият учун қон томирлари сингари ҳаёт бахш этади. Жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларнинг тақдирини коммуникация тизимидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида эса ана шу коммуникация тизими доимий равишда такомиллаштирилиб, янгиланиб борилмас экан ижтимоий муносабатларнинг ривожи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг боиси шундаки замонлар, даврлар ўзгариши билан коммуникация тизими ҳам ўзгариши даркор. Бу ўзгариш замон билан ҳамнафас рухда кечса яна ҳам мақсадга мувофиқ иш бўларди.

<sup>11</sup> Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

<sup>12</sup> Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллый университети. Тошкент. 2022, 224 б.

## ХУЛОСА

Инсон ва унинг фаолияти ижтимоий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашуви инсоният фаолиятига боғлиқдир. Инсонларнинг мақсад-муддаолари, орзу-умидлари, ахилликдаги ҳаракат ва интилишлари ижтимоий муносабатларнинг тақдирини белгилаб берувчи куч ҳисобланади. Гераклит ибораси билан айтганда «Ҳамфикр бўлинглар, жанжаллардан йироқ бўлинглар. Аксинча, ўқиб-ўрганинглар, адашманглар, адашсанглар қонун қаҳрига дучор бўласизлар. Ўзларингни яхшиликка йўналтиринглар ва эзгулик йўлида мусобақалашинглар»<sup>13</sup>.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 52-53.
2. Салимов, Б. Л. (2022). Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. *Фалсафа фанлари доктори диссертацияси*. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент, 224.
3. Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.
4. Salimov, B. L. (2021). The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.
5. LUTFULLAEVICH, S. B. (2020). The manifestation of dialectical principles in the life of the human and society. *JournalNX*, 6(05), 112-117.
6. Лутфуллаевич, С. Б. (2020). Философская роль диалектических категорий в жизни человека. *Историческая психология и социология истории*, 13(1), 111-119.
7. Салимов, Б. Л., Файзиев, С. Ф., & Курамбаев, Ж. (2022). ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 44-50.

<sup>13</sup> Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.